

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Касби тумани

2023 йил 14 декабрь

Касби туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ғ.Р.Игамов раислигида, судья ёрдамчиси Б.Боймуродовнинг котиблигида, Нишон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши даъвогар “\*\*\*\*\*” фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, жавобгар “\*\*\*\*\*” МЧЖ хорижий корхонаси ҳисобидан жами 40 776 724 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича иқтисодий ишни фермерлар кенгаши вакили М.Ашуров (ишончнома асосида), жавобгар вакиллари Р.Юсупов ва С.Исомов (ишончнома асосида)лар иштирокида Касби туманлараро иқтисодий суди биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

Нишон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (бундан кейин матнда кенгаш деб юритилади) даъвогар “\*\*\*\*\*” фермер хўжалиги (бундан кейин матнда даъвогар деб юритилади) манфаатини кўзлаб, жавобгар “\*\*\*\*\*” МЧЖ хорижий корхонаси (бундан кейин матнда жавобгар деб юритилади)дан 40 776 724 сўм ундиришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган кенгаш вакили даъво аризаси юзасидан ўз фикрларини билдириб, даъвони қаноатлантириб беришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар вакили даъвогарнинг даъво талаблари қисман асосли эканлигини, ўз важларини тасдиқловчи ҳужжатлар унда мавжудлигини, суд рухсат берса ушбу ҳужжатлар асосида даъвогар вакили билан даъвони ҳисоб китоб қайта кўриб чиқишни сўради.

Суд мажлисида тарафлар вакиллари даъво суммасини қўшимча тақдим этилган ҳужжатлар асосида қайта ҳисоб –китоб қилишиб, натижасини ёзма равишда судга тақдим этишди.

Иш ҳужжатлари ва суд муҳокамаси давомида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, аризада тарафлар ўртасида 2021 йил 20 октябрда 2022 йил ғалла ҳосилини етиштириб бериш бўйича фьючерс шартномаси тузилиб, даъвогар жавобгарга 60858 кг буғдой етиштириб берган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 майдаги “Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 262-сон қарор талабларидан келиб чиқиб, дастлабки босқичда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган нархларда, кейинги босқичда эса биржада шаклланган ўртача нархдан (ўртача котировкадан) келиб чиқиб, давлат захирасига олинган буғдой бўйича буғдой етиштирувчилар билан тўлиқ қайта ҳисоб-



китоб қилиниши назарда тутилган. Даъвогар жавобгарга топширган ғалла ҳосилини 39050 кг давлат захираси учун сотилган. Давлат томонидан кластерга ҳар кг учун 439 сўмдан тўлаб берилган.

Даъвогарнинг 39050 кг давлат захирасига топширилган ғалласи устамаси ҳар кг 439 сўм ҳисоблаганда жами 17 142 950 сўмни ташкил этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда 2022 йил ғалла ҳосилидан давлат томонидан берилган устама бўйича жавобгарнинг даъвогар олдидаги қарзи 17 142 950 сўмни ташкил этиб, даъво талабини бу қисми шу миқдорда қаноатлантириши лозим бўлади.

Тарафлар ўртасида аризада 2022 йилда 5022-сонли “пахта хом ашёсини етиштириш ва етказиб бериш бўйича (контракция) шартномаси тузилган.

Шартноманинг 4.3-бандида шартноманинг якуний қиймати пахтани ҳақиқий етказиб берилиши ҳолати бўйича аниқланиши; 4.4-бандида етказиб берилиши керак бўлган маҳсулот баҳосининг қолган якуний тўлови 2022 йилнинг 31 декабрь кунига қадар тўланиши белгиланган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 2.4 бандига кўра фермер хўжалиги шартномадан ортиқча топширган пахтаси учун 115 фоизгача 5 фоиз, 115 фоиздан юқорисига 10 фоиздан устама тўланиши келишилган. Даъвогар жавобгарга шартномада белгиланган миқдорда 18700 кг ортиқча пахта хом ашёси топширган. Суд муҳокамасида устама қайта ҳисоб - китоб қилингандан 14 060 062 сўмни ташкил этди. Бундай ҳолатда даъвони устама ундириш қисми 14 060 062 сўм миқдорда қаноатлантирилиши лозим бўлади.

Тарафлар ўртасида даъво суммаси қайта ҳисоб-китоб қилинганда жавобгарнинг 17 142 950 сўм қарзи ва 14 060 062 сўм устамадан жами қарзи 31 203 012 сўмни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан кейин матнда ФК деб юритилади)нинг 234-моддасида, мажбурият – фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳараатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса – қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқиши белгиланган.

ФКнинг 236-моддасида мажбурият мажбурият шартларига мувофиқ, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Ушбу кодекснинг 333-моддасига кўра, қарздор айби бўлган ҳолда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада қармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача



тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради; 465-моддасига мувофиқ, контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

ФКнинг 335-моддасида агар кредитор қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаслиги юз беришига ёки бажармаслик туфайли етказилган зарар миқдорининг кўпайишига кўмаклашган бўлса, шунингдек кредитор мажбуриятни бажармасликдан етказилган зарарни камайтириш чораларини қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли кўрмаган бўлса, суд ишнинг ҳолатларига қараб тўланадиган ҳақ миқдорини камайтиришга ёки кредиторга ҳақ тўлашни батамом рад этишга ҳақли.

ФКнинг 326-моддасига кўра, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олиниши керак. Суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 163-сонли Қарорининг 4-бандида ҳам тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан кейин матнда – ИПК деб юритилади)нинг 68-моддасига кўра ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

ИПКнинг 118-моддаси, биринчи қисмига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3318-сонли қарорининг 3-бандида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари манфаатларини кўзлаб судга давлат божи тўламасдан даъво аризалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар тақдим этиш. Бунда даъво аризасини қаноатлантириш рад этилганда



манфаати кўзлаб даъво аризаси киритилган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларидан давлат божи ундирилмайди деб кўрсатилган.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда суд даъвогарнинг даъво талабларини қисман қаноатлантиришни, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 17 142 950 сўм , 14 060 062 сўм пахта устама қарздорлиги, жами 31 203 012 сўм қарздорлиги ва олдиндан тўланган 33.000 сўм почта харажати, республика бюджетига 624 060.24 сўм давлат божи ундиришни ва даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68, 118, 176-180, 186, 192-моддаларини қўллаб, суд

### **қ а р о р қ и л д и:**

Даъво талаблари қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар “\*\*\*\*\*” МЧЖ хорижий корхонаси ҳисобидан:

Даъвогар “\*\*\*\*\*” фермер хўжалиги фойдасига 17 142 950 сўм, ғалла 14 060 062 сўм пахта устамаси, жами 31 203 012 сўм қарздорлик ва олдиндан тўланган 33.000 сўм почта харажати,

Республика бюджетига 624 060.24 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози томон бир ой муддатда Касби туманлараро иқтисодий суди орқали Қашқадарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши мумкин.

**Судья**

**Ғ.Р.Игамов**

